



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 22 » январь

№ 31

Toshkent sh.

### Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиалини ташкил этиш тұғрисида

Миллий рақс санъати соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Хоразмнинг қадимий рақси “Лазги”ни асраб-авайлаш, уни илмий ўрганиш, жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласы:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

Ўзбекистон давлат хореография академиясининг давлат таълим муассасаси шаклидаги Урганч филиалини (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш;

Филиал таркибида “Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлимини (кейинги ўринларда – “Лазги” бўими) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Филиал ва “Лазги” бўлимининг асосий вазифалари этиб тегишли равища қуидагилар белгилансин, жумладан:

а) Филиалнинг асосий вазифалари:

кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етук ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;

рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чукур тадқиқотлар олиб бориш салоҳиятига эга илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

талаба ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-ижодий ишлар олиб боришини самарали ташкил этиш, ҳамкорликдаги концерт дастурларини мунтазам асосда йўлга қўйиш;

кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, иқтидорли талаба ёшларни ушбу йўналишга кенг жалб этиш;

соҳа мутахассисларининг хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, стажировка ўташларини тизимли ташкил этиш;

б) “Лазги” бўлимининг асосий вазифалари:

“Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

фан-таълим ва ижрочиликнинг интеграциялашувини таъминлаш;

“Лазги” ижро йўли намуналари “Олтин фонд”ни яратиш;

анъанавий “Лазги” ижро йўлини асраб-авайлаш, уни замонавий ижро услублари намуналари билан янада такомиллаштириш, рақснинг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар ва ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш;

“Лазги” ижро йўлини кенг тарғиб қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

“Лазги” ижро намуналарини оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет ахборот тармоғи орқали чет элларда кенг тарғиб қилиш.

3. Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ҳамда унинг таркибидаги “Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлими фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Филиалнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин ҳамда уч ой муддатда Филиал ҳузурида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан доимий асосда фаолият кўрсатувчи:

“Лазги”нинг яратилиш тарихи ва ривожланиш даврини қамраб олган доимий экспозиция;

“Лазги” ижро йўлида яратилган ижод намуналарининг фонотекаси;

“Лазги”га оид лиbosлар намуналари галереяси, кўргазмалар зали ҳамда артистик кафеси;

“Лазги” болалар ҳаваскорлик театр-студиясини ташкил этсин.

5. Белгилансинки:

Филиалда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга талabalарни бакалавриат таълим йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичлари ҳар йили белгилangan тартибда тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш параметрларидан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади;

“Лазги” бўлими бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 10 нафар этиб белгиланади.

6. Қўйидагилар Филиални молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

тўлов-контракт асосида талабалар ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушадиган маблағлар;

таълим хизматлари кўрсатиш, илмий-ўқув, ўқув-методик, илмий-ижодий ва ахборот-таҳлилий маҳсулотларни ишлаб чиқишдан, концерт-томуша ва бошқа фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағлари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Филиалга унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун Урганч шаҳридан оператив бошқарув ҳукуқи асосида мақбул бино ажратилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қўйидагиларни таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширсин:

а) 2021 йил 1 марта қадар Филиал уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

б) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Филиалнинг илмий-педагог кадрлар таркибини олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган, шу жумладан, хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳадаги салоҳиятли амалиётчи мутахассислар қаторидан шакллантириш;

хореография ва миллий рақснинг ижодий, илмий-методик ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносиб давом эттириш мақсадида Филиалга миллий рақс санъати, шу жумладан, “Лазги” ижро йўли усталарини жалб этиш;

Филиалнинг таълим йўналишларини Давлат таълим стандартлари ҳамда тегишли малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўкув режалари, фан дастурлари ва ўкув-методик адабиётлар билан таъминлаш;

Филиални ўкув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникиси билан таъминлаш, ўкув-методик жараёнларни ташкил этиш, штатлар жадвали ва харжатлар сметасини тасдиқлаш.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “22” январдаги 31-сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ҳамда унинг таркибидаги  
“Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлими фаолиятини ташкил этиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ҳамда унинг таркибидаги “Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлими фаолиятини ташкил этиш</b>					
1	Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали (кейинги ўринларда – Филиал) уставини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.	1. Филиал устави лойиҳасини ишлаб чиқиш.  2. Уставни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2021 йил март	–	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)
2	Филиални юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.	1. Юқори малакали ва тажрибали профессор-ўқитувчи ва ходимларни ишга қабул қилиш бўйича ишчи гурух тузиш.  2. Хореография санъатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг таркибини танлов асосида шакллантириш.	2021 йил август	–	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)
3	Филиалнинг Васийлик кенгаши таркибини тасдиқлаш, унга кадрларнинг истеъмолчилари бўлган маданият ва санъат муассасалари, вазирликлар ва идоралар, бошқа ташкилотлар вакилларини киритиш.	1. Васийлик кенгашини ташкил этиш, унинг таркибини шакллантириш.  2. Васийлик кенгашининг иш режасини ишлаб чиқиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	2021 йил август	–	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)
4	“Лазги” ижрочилигини янада ривожлантириш бўлимида (кейинги ўринларда – “Лазги” бўлими) фаолият олиб борадиган мутахассисларидан иборат ходимлар таркибини шакллантириш.	1. Бўлимда фаолият олиб борадиган соҳанинг етук, малакали мутахассисларидан иборат ходимлар таркибини шакллантириш.	2021 йил август	–	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)

	таркибини шакллантириш ҳамда ходимларнинг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.	2. Бўлим ходимларининг фаолият йўналишлари ва функционал вазифаларини белгилаш бўйича лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.			
<b>II. Филиалда таълим дастурлари доирасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b>					
5	2021/2022 ўкув йили ва кейинги йиллар учун Филиалга ўқишига қабул қилиш параметрларини истиқболда худудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни ҳамда рақс соҳаси бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.	1. Маданият соҳасида меҳнат ресурсларига бўлган талаб прогнозини таҳлил қилиш.  2. Таҳлил натижаси бўйича эҳтиёжни олий таълим муассасаларига квота ажратиш режасига киритиш.	2021 йил март  ҳар йили апрель	—	Маданият вазирлиги ( <i>O. Назарбеков</i> ) Иқтисодий тараккӣёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ( <i>A. Ортиқов</i> ), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ( <i>I. Маджидов</i> )
6	Кўп асрлик рақс ижодкорлиги анъаналарини ўзлаштирган, ўзининг истеъдоди ва салоҳияти орқали уларни замон руҳи билан бойитиб, “устозшогирд” анъаналарига мувофиқ ёш авлодга ўргатиб келаётган таникли рақс усталари ва хореографларни Филиал фаолиятига жалб этиш.	1. Юқори натижаларга эришган ёш ижодкорларни тарбиялаб келаётган рақс усталарини аниқлаш.  2. Рақс усталарини уларнинг амалий фаолияти натижаларига кўра Филиал билан ҳамкорликка жалб этиб бориш.	доимий	—	Маданият вазирлиги ( <i>O. Назарбеков</i> )
7	Филиалда ахборот ва мутахассисларнинг тажриба алмашувини йўлга кўйиш.  Маҳорат дарслари ва маҳсус машғулотларни ўтказиш учун етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг юқори малакали олимлари ва санъат арбобларини таклиф этиш.	1. Филиалнинг ахборот маълумотларини бойитиш мақсадида маҳаллий ва хорижий ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш.  2. Етакчи турдош хорижий олий таълим муассасасалари профессор-ўқитувчилари ва тажрибали мутахассисларининг маҳорат дарсларини ташкил этиш.	доимий	Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик	Маданият вазирлиги ( <i>O. Назарбеков</i> )

		3. Конференция ва илмий семинарларга ҳамда илмий ишлар мухокамалариға малакали олим ва санъат арбобларини таклиф этиш.		хайриялари	
8	Иш берувчилар кадрлар малакасига кўяётган талаблар ҳамда Филиалда мутахассис тайёрлаш дастурларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.	<p>1. Иш берувчи ташкилотларнинг талабаларда амалий ва ижодий кўникмаларни шакллантиришдаги иштироки ва масъулиятини ошириш механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Филиалда самарадор маркетинг хизмати фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Битирувчининг иш берувчилар кўяётган замонавий талабларга жавоб берадиган, меҳнат бозорида зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини акс эттирувчи малака талаб-мезонларини ишлаб чиқиш.</p>	2021 йил август	–	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)
<b>III. Филиалда таълим жараёни сифатини янада яхшилаш ва ўқитишининг илфор услугларини жорий этиш</b>					
9	Миллий ракс санъатини тарғиб этишда хорижий мамлакатлар билан ижодий тажриба алмасиши мақсадида ёш ва иқтидорли хореограф ҳамда санъатшунос олимларни хизмат сафарларига юбориш, уларга ҳалқаро миқёсдаги илмий анжуманларда қатнашиши имконини яратиш.	<p>1. Ёш ва иқтидорли хореограф ҳамда санъатшунос олимлар номзодларини саралаш механизmlарини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Саралаб олинган хореограф ва санъатшунос олимларни хорижий мамлакатларга касбий-ижодий тажриба алмасиши мақсадида хизмат сафарларига юбориш.</p> <p>3. Ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда қатнашиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.</p>	2021 – 2022 йиллар	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)
10	“Лазги” ижрочилиги тарғиботини амалга ошириш мақсадида шарқ ҳалқлари мусиқа санъати намуналари ва етук намояндлари билан ҳамкорлик қилиш, маҳорат дарслари ва концерт дастурларини ўтказиш.	<p>1. Хорижий давлатларнинг илмий-ижодий ва бадиий жамоалари билан илмий-ижодий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро манфаатли шартномалар тузиш.</p> <p>2. Ҳамкорлик шартномалари асосида ижодий концерт дастурлари</p>	Доимий	Ҳамкор ташкилотларнинг маблағлари, ҳалқаро грантлар ва иштирокчиларнинг маблағлари	Маданият вазирлиги (O. Назарбеков)

		яратиш ҳамда уларни республика ва хорижий саҳналарда намойиш этиши. 3. Хорижий мамлакатларда “Лазги” ижро услугини кенг тарғиб қилиш ҳамда “Лазги” ансамблиниң концерт дастурлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиши.			
11	“Лазги” ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижодига доир оммабоп ва маҳсус илмий китоблар, нота тўпламлари ва аннотацияли нота альбомларни нашр этиш, бу борада турли конференция ва семинарлар ташкил қилиш.	1. Хоразмнинг устоз санъаткорлари ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни тўплаш. 2. Оммабоп ва маҳсус илмий китоблар, нота тўпламлари ва аннотацияли нота альбомларини нашр этиш, шу борада турли таълим ва бошқа маданият муассасаларида конференция ва семинарлар ўтказиши.	2021 йилдан бошлаб доимий	Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф. Эрманов)
<b>IV. Филиалнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш</b>					
12	Филиалнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида уни зарур мебель, инвентарь, ускуна ҳамда рақсга оид турли маҳсус пойабзал ва либослар билан таъминлаш.	1. Мебель, инвентарь ва ускуналар рўйхатини шакллантириш ҳамда техник параметрларини ишлаб чиқиши. 2. Зарур жиҳозлар билан таъминлаш. 3. Ўқув машғулотлари ва ижодий дастурлар намойиши учун зарур бўлган маҳсус рақс либослари ва пойабзалга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 4. Рақс либослари ва пойабзал билан таъминлаш.	2021 йил июль	Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	Маданият вазирлиги (О. Назарбеков)
13	Филиални ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш.	1. Ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2. Эҳтиёждан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш.	2021 йил август	Ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	Маданият вазирлиги (О. Назарбеков)

